Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
**8-ИЛОВА**

**28.04.2022 даги**

**ООО"BAHOR TA' MI NOTI" ва Ўзбекистон Кикбоксинг ассоциацияси ўртасида 123000000,00 сўм умумий суммага тузилган 26 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 346

Шахсий ғазна ҳисобварак 400110860262777083100346007

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | 123 000 000,00 | | | 123 000 000,00 |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **123 000 000,00** | | | **123 000 000,00** |

**Жами 123000000,00 сўм** **Бир юз йигирма уч миллион сўм 00 тийин**

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 36900000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Нарметов А. Т.
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Стухина Н. В.
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ______________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ______________ 20___й.

**26- сонли шартнома**

Мирзаобод т **«28» апрель 2022 й.**

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи **"Ўзбекистон кикбоксинг ассоциацияси"** номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи рахбар А.Т.Нарметов бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи **"BAHOR-TA`MINOTI" МЧЖ** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи рахбар Р.Ўролов бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

| № | Товарларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бирлик учун контракт нархи | Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Услуги по организации и проведению спортивных мероприятий | комплект | 1 | 123 000 000 | 123 000 000 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| | **Жами:** | | | | **123 000 000** |

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **123 000 000** (Бир юз йигирма уч миллион) сўмни ташкил қилади (ҚҚС сиз)

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига асосий шартнома тасдикланганидан сунг 30% тўлов келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади ва қолган 70 % тўлов олиб келинган юк хатига асосланиб етказиб берувчининг хисоб варағига ўтказиб берилади.

2.2. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.3. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.4. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.5. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.6. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.7. Мазкур контракда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича ___- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган суммани 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган

товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Етказиб берувчи | Буюртмачи |
|---|---|
| Ташкилот номи : "BAHOR-TA'MINOTI" МЧЖ<br>Манзил:Мирзаобод туман.Наврўз МФЙ Орзу к.8-уй<br>Телефон: 91 500 29 90<br>Факс: ____________<br>СТИР коди: 307 232 007<br>ОКОНХ:<br>Х/Р : 2020 8000 9051 9629 1001<br>Банк: АТБ Турон банк Гулистон филиали<br>МФО: 00768<br>Раҳбар (директор) Р.Ўролов ______ (имзо)<br>М.Ў. | Ташкилот номи: "Ўзбекистон кикбоксинг ассоциацияси"<br>СТИР коди: 202 670 062<br>ОКОНХ: ____________<br>Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобвараги:<br>[redacted]<br>Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХККМ МФО: 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919<br>Ягона Ғазначилик ҳисобвараклари (ЯГХ):<br>23402000300100001010<br>Раҳбар<br>директор ______ (имзо)<br>М.Ў. |

Юрисконсульт ____________

2896577

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BAHOR TA'MINOTI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BAHOR TA'MINOTI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.03.2020 827942 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy, yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307232007

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Mirzaobod tumani, Navro'z MFY, Orzu 8-uy,

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Mirzaobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг гувохномаси, реквизитлари, кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHOR TA'MINOTI MCHJ | 25 | маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 25 | маълумотнома | 16 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчининг ишчилари сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг ишчилари сони хакида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHOR TA'MINOTI MCHJ | 25 | маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 25 | маълумотнома | 17 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчининг иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг иш тажрибаси тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BAHOR TA'MINOTI MCHJ | 25 | маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 25 | маълумотнома | 16 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 123 536 000.00 | 123 400 000.00 | 23.04.2022 10:40:47 | 9.97 |
| BAHOR TA'MINOTI MCHJ | 123 536 000.00 | 123 000 000.00 | 23.04.2022 10:36:59 | 10.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование | Общий балл по технической | Общий балл по финансовой | Итоговый |
|---|---|---|---|

| участника | части | части | балл |
|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 59.4 | 9.97 | 69.37 |
| BAHOR TA'MINOTI MCHJ | 72 | 10 | 82 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 73733 от 26.04.2022 года на приобретение Узбекистон кикбоксинг ассоциацияси спорт мусобакани утказиш, такдирлаш тадбирларини утказиш определила победителем:

BAHOR TA'MINOTI MCHJ
307232007

и резервный исполнитель: "Jizzax polimer plast" МЧЖ (204222356)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ISOQOV AZAMATJON MUSO O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUXAMEDJANOV TEMUR AMIRDJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | STUXINA NATALYA VALEREVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XASANOV DONIYOR XASANOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | NARMETOV AYBEK TOYCHIBAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
Ўзбекистон Кикбоксинг
Ассоциацияси раиси
________ **А.Нарметов**

# Б А Ё Н Н О М А С И

*2022 йил «28» апрел* *Тошкент ш.*

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Қатнашдилар:** | Хайъат раиси: | А.Нарметов | Ассоциация раиси |
| | Йиғилиш қатнашчилари | А.Исоқов | Ассоциация бош котиби |
| | | Н.Стухина | Ассоциация бош хисобчиси |
| | | Т.Мухамеджанов | Ассоциация бош хаками |
| | | Д.Шадиметова | Ассоциация иш юрутувчиси |
| | | Д.Хасанов | Ассоциация бош хаками ёрдамчиси |

## К У Н  Т А Р Т И Б И :

1. Таминотчи: "Baxor-Ta'minoti" МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш;

2. "Jizzax polimer plast" МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш;

---

Кун тартибидаги масала юзасидан хайъат аъзоси Д.Шадиметова ахборот берди.У ўз сўзида йиғилиш қатнашчиларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағларга xarid.uzex.uz электрон платформасининг "Энг яхши таклифини танлаб олиш" бўлимида №73733-сонли лот рақами билан жойлаштирилган эълон бўйича, Спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлари учун "Baxor-Ta'minoti" МЧЖ (*инн: 307232007*) ва "Jizzax polimer plast" МЧЖ (*инн: 204222356*) дан таклиф тушганлиги тўғрисида xarid.uzex.uz сайтнинг "Амалга оширилган лотлар" платформаси томонидан электрон баённома тақдим этилди.

Мазкур баённома 2022 йил 26 апрелдан 2022 йил 28 апрелгача яни 2 кун давомида etender.uzex.uz сайти иштирокчилар эътиборида турди ва хеч қандай эътирозлар бўлмади.

Республика мусобақасида Спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлари учун, "Баллик баҳолаш тизими" бўйича берилган эълонда талаб қилинган шартлар юзасидан энг юқори балл тўплаган "Baxor-Ta'minoti" МЧЖ ғолиб деб топилди ва ушбу ташкилот билан жами 123 000 000 сўмлик шартнома тузишга қарор қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган холда хайъат

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Танлов ғолиби бўлган, "Baxor-Ta'minoti" МЧЖ билан 123 000 000 сўмлик шартнома тузилсин.

| | | |
|---|---|---|
| Йиғилиш қатнашчилари: | А.Исоқов | Ассоциация бош котиби |
| | Н.Стухина | Ассоциация бош хисобчиси |
| | Т.Мухамеджанов | Ассоциация бош хакамй |
| | Д.Шадиметова | Ассоциация иш юрутувчиси |
| | Д.Хасанов | Ассоциация бош хакамй ёрдамчиси |